

Гиёҳвандлик – умрнинг эгови, тараққиётнинг заволи

Тиббий адабиётларда гиёҳвандлик тушунчасига турли хил таъриф берилган.

Хусусан психиатрия маълумотномасида гиёҳвандлик деганда табиий ёки сунъий заҳарли моддаларни давомли истеъмол қилиш натижасида келиб чиқадиган вақтинчалик ёки сурункали заҳарланиш ҳолати тушунилади дея қайд этилган.

Айни ҳолатда гиёҳвандлик тушунчасининг мазмунига ҳар қандай заҳарли моддаларни истеъмол қилиш ва бунинг натижасида келиб чиқадиган ҳам сурункали, ҳам вақтинчалик заҳарланиш ҳолати киритилган.

Шунингдек, мамлакатимизда 1999 йил 19 августда қабул қилинган “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги Қонунда гиёҳвандлик тушунчасига гиёҳвандлик воситаларига руҳий жисмоний қарамлик билан боғлиқ касаллик деган таъриф берилган. Гиёҳвандлик-гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни нотиббий мақсадларда истеъмол қилиш туфайли юзага келадиган, мазкур моддалар ва воситаларга жисмоний ва руҳий қарамликда келадиган ижтимоий салбий ходисадир.

Айтиш керакки гиёҳвандлик касаллигига йўлиққан беморларда кузатиладиган ўзгаришлар қарамлик психофизиологик механизмлари билан бир қаторда, гиёҳвандлик воситаларининг заҳарли таъсири натижасида асаб тизимининг органик шикастланиши билан ҳам боғлиқ. Хусусан морфинизмда шахснинг феъл-атвори аста-секин ўзгаради, у такаббур, ёлғончи бўлиб қолади, қизиқишлари доирасида тораяди ва фақат гиёҳвандлик воситаларини қўлга киритишдан иборат бўлади. Кайфияти жиззакиликдан тўлиқ апатия, бефарқликкача бўлган доирада ўзгаради. Бундай йўлга кирган кимсалар гиёҳвандлик воситаларини қўлга киритиш учун сохтакорлик, ўғрилик ва бошқа жиноятларга қўл урадилар. Абстиненция ҳолатида улар ўзгаларга таҳдид соладилар, ҳақорат қилдилар, агрессив хуружлар ва ўзини ўзи ўлдиришга уринишларга қодир бўладилар.

Гиёҳвандлик қарамлигига учраган Шухрат 2019 йил август ойларида Ўзбекистон тумани Наймансой қишлоғи ҳудудидан оқиб ўтган сой бўйида ёввойи тарзда ўсиб чиққан наша гиёҳвандлик ўсимлиги шохлари ва баргларида юлиб олади. “Заҳри қотил”ни яшаш хонадонига ташиб келиш билан биргаликда, ўзи истеъмол қилиш мақсадида кўп миқдордаги марихуана гиёҳвандлик воситасини қонунга хилоф равишда сақлаб келади. Ушбу гиёҳвандлик воситасини чекиш мақсадида 2019 йил 26 ноябрь куни соат 11.00 да таниши Б.Қурбанов билан бирга Наймансой қишлоғи ҳудудидан оқиб ўтган сой бўйида истеъмол қилиб турган вақтида туман Ички ишлар бўлими ходимлари томонидан қўлга олинади.

Тезкор суриштирув натижаларида Шухратнинг яшаш хонадонидан 2 дона 0,5 литрли, 1 дона 1 литрли шиша банкада ҳамда 2 дона қоғозга ўралган, қуруқ холдаги ўткир хидли наша ўсимлигига ўхшаш майдаланган ўсимлик ва бир дона селюфан сумкага солинган қуруқ холдаги ўткир хидли наша ўсимлиги шохчалари далилий ашё тариқасида олинган.

Жиноят ишлари бўйича Ўзбекистон туман суди томонидан сайёр суд мажлисида Шухратга нисбатан жиноят иши кўрилиб, унга гиёҳвандлик воситаларидан мунтазам равишда заҳарланиш натижасида организм фаолияти, унинг барча жисмоний ва руҳий функциялари аста секин издан издан чиқиши, гиёҳвандларга барвақт ўлим таҳдид солиши, гиёҳвандликнинг ижтимоий зарари унинг тарқалиши жамиятга жуда катта моддий зарар етказиши тўғрисида тушунча

берилиб, унга нисбатан ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазо тайинланди.

О.Мирсадиков,

Жиноят ишлари бўйича Ўзбекистон туман судининг раиси

???: ???

2020-01-29 15:44:08